



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil «10» avgust

№ ПФ–132

**Олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари учун айрим номли давлат стипендиялари жорий этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ–555-сон Фармониغا ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–414-сон ҳамда 2023 йил 25 январдаги “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ–20-сон қарорларига мувофиқ:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ–555-сон Фармониغا иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

**2.** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**3.** Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 10 августдаги ПФ–132-сон Фармониغا  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги  
“Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари  
тўғрисида”ги ПФ–555-сон Фармониغا киритилаётган ўзгартириш**

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Барча фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари “аъло” (кўпи билан 25 фоизи “яхши”) бўлган ҳамда ижодий ишда қатнашадиган бакалаврият таълим йўналишида ўқиётган охириги икки курс (кейинги ўринларда – юқори курс) талабалари учун қуйидаги номли давлат стипендиялари таъсис этилсин: техника йўналишларида – Беруний, тиббиёт йўналишларида – Ибн Сино, гуманитар йўналишларда – Навоий, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида – Камолиддин Беҳзод, табиий йўналишларда – Улуғбек, кинематография йўналишида – Худойберган Девонов, тарих ва география йўналишларида – Бобур, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида – Паҳлавон Маҳмуд, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида – Имом ал-Бухорий, Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида – Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов, шунингдек, барча йўналишларда – Ислом Каримов номли.

Белгилансинки:

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Камолиддин Беҳзод ва Улуғбек номли давлат стипендиялари бакалаврият таълим йўналишлари бўйича юқори курсларнинг ҳар минг нафар талабасига биттадан;

Имом ал-Бухорий номли давлат стипендияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг уч нафар юқори курс талабасига;

Худойберган Девонов номли давлат стипендияси кинематография соҳаси учун кадрлар тайёрловчи ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Бобур номли давлат стипендияси тарих ва география йўналишлари учун кадрлар тайёрловчи ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендияси жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари учун кадрлар тайёрловчи ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Тўлепберген Қаипбергенов ва Ибройим Юсупов номли давлат стипендиялари Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига;

Ислон Каримов номли давлат стипендияси ҳар бир олий таълим муассасасининг бир нафар юқори курс талабасига тайинланади”.

